

гили бир басқышында пайда болған жәмийетлик сана-ның формаларынан бири болып есапланады. Дин исеним сезими болады, ол исеним болатуғын болса адам ушын оғада зэрүр, оның өмириниң мәнисин билдиретуғын руўхый зэрүрлик болып есапланады. Дүньяда исеними жоқ халық жоқ. Дин адамзаттың руўхый мәдениятының, дүньяға көзқарасының, турмыс салтының күшли саласы болып келген. Өзиниң раўажланыўының барлық басқышларында ҳам көринислеринде дин тийкарынан толықтырыўшылық, жубатыўшылық, бирлестириўшылық, тәртипке салыў, қадағалаўшылық, қарым- қатнасық ұазыйпаларын атқарады. Инсанға өмирдиң мазмуны, жасаўдың мақсети уқсаған философиялық теориялық мәселелер бойынша түсиник берген. Дин адамның жасаўы ушын зэрүр болған баҳалы қәдириятларға топланған ҳам оларды инсанның санасына жеткерийдиң усылларын дөреткен. Улыўма адамзаттың руўхый қәдириятлары бүгинги күнде шешиўши күшке ийе екенлиги, усы тийкарда динге улыўма адамзат руўхый мәдениятының ажыралмас бөлеги сыпатында баҳа берилди. Сол себепли, жәмийет ағзаларының барлық қатламларында, динге оның машқалаларына, жәмийетилик турмыста тутқан орны ҳам ролине итибар, инсанның негизге қойылды. Ҳәзирги дәўирде хәр бир инсан өз исенимин әлемге асырыўға, диний мәресимлерди орынлаўға ҳуқықы бар. Бүгинги күнде дин жаман иллетлерден, жалған ҳам еки жүзлиликтен пәклениўге, жоқары адамгершиликти әдеп-икрамлылық

пазылетлерди қайта тиклеўге жәрдем берип атыр. Мысалы: европа мәмлекетлери алымлары шаңарақлардың бузылыўы, әдеп-икрамлылық пазылетлериниң жоғалып баратырғанлығына, жаман иллетлердиң хәдден зыят көбейип кетиўи, бул барыста миллеттиң жоқ болып кетиў қәўипи бар деп, биз ислам тәлийматынан пайдаланып ғана бул мәселени шеше аламыз деп атыр.

Буның тийкаргы себеби, муқаддес динимиздиң ҳақықатшылығы ҳам пәклиги, инсанди сүйиўшилиги ҳам кеңпейиллиги, адамзатты мұдамы ийгиликли ислерге шақырыўы, турмыс сынақларында өзін ақлаған қәдирият ҳам дәстүрлерди ата-бабалардан әўладларға жеткерийдеги теңи жоқ орны ҳам әҳмийети менен байланыслы. Ғәрезсизликтиң дәслепки қадамлеринен ақ динниң, жәмийеттиң руўхый дүньясындағы тутқан орны ақылға муўапық түрде белгилеп алды. Әсиресе, әдеп-икрамлылықтың бәринен бурын хұждәнлықтың ийман сезими болып табылатуғынлығы дурыс түсиник. Ислам ата-бабаларымыздың дини, мусылманлардың сана-сезими турмыстың түп мәниси, олардың өмириниң өзегі болып есапланады [3:90].

Усы көзқарастан алып қарап, муқаддес ислам динимизди пәк сақлаў, оны хәр түрли ғәрезли топылыс ҳам хұжимлерден, дөхмет ҳам жалалардан қорғаў, оның шын мазмунын өнип-өсип қиятырған жас әўладларымызға туўры түсиндириў жәмийетимиз ушын әҳмийетли ұазыйпалардың бири есапланады.

Әдебиятлар

1. Каримов И.А. Жоқары мәнаўият-жеңилмес күш. –Ташкент: 2008.
2. Базарбаев Ж. Руўхият тийкарлары. –Нөкис: «Илим», 2016.
3. Базарбаев Ж. Руўхыйлық тийкарлары. –Нөкис: 2009.

Ислам динида инсонпарварлик, меҳр-оқибат, ўз аро ҳамдардликка ишонч ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш каби халқимизга хос фазилатлар чуқур илдиз отган. Дин инсонни улуглайди, уни ажойиб шахс сифатида кўрсатади. Динга ишонмовчи кишига оддий нарсга бўлиб туюладиган қаноат раҳм-шафқат, олийжаноблик каби туйғуларни этиқодли киши Парвордигорнинг туҳфаси, деб қабул қилади. Ислоҳ илм олишга, таълимга тарғиб этади. Шу сабабли унинг мазмунини ёш авлодга тўғри тушунтириш ижтимоий ҳаёт учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

РЕЗЮМЕ

Гуманность, доброта и милосердие, взаимное сочувствие, честность и вера в загробный мир эти особенности религии ислам глубоко укоренились в народе. Религия делает человека лучше, счастливее, ведь во всём, что для него неверующего просто событие или факт, верующий видит довольство, милость и благословение Всевышнего. Ислам побуждает к приобретению знаний и обучению. Правильное разъяснение и толкование этой религии для подрастающего поколения играет важную роль в обществе.

РЕЗЮМЕ

Humanity, kindness and mercy, mutual sympathy, honesty and faith in the underworld, these features of the religion of Islam are deeply rooted in the people. Religion makes a person better, happier, because in everything that for unbelievers are simply an event or a fact, the believer sees the contentment, mercy and blessing of the Most High. Islam encourages the acquisition of knowledge and training. The correct explanation and interpretation of this religion for the younger generation plays an important role in society.

SUMMARY

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ХАЛҚЛАРИ АНЪАНАВИЙ КАШТАДЎЗЛИГИНИНГ ЭТНОХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

М.Х.Шомирзаев - педагогика фанлари номзоди, доцент

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: тараккиёт, тарихий мерос, турмуш тарзи, анъаналар, маданий жараён, этнослараро алоқалар, этномаданий хусусиятлар.

Ключевые слова: развитие, историческое наследие, образ жизни, традиции, культурный процесс, межэтнические отношения, этнокультурные особенности.

Key words: development, historical heritage, lifestyle, traditions, cultural process, interethnic relations, ethnocultural features.

Ўзбек халқи мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ асрлар мобайнида аждодларимиз томонидан яратилган моддий ва маънавий меросимизни қайта тиклаш, сақлаш ва эъзозлашга алоҳида эътибор қарата бошлади. Зеро, аждодлар мероси ўзликни англаш, миллий давлатчиликни шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Халқимиз томонидан яратилган маданий жараёнларимиз ўртасида халқ амалий санъатининг бир бўлаги – каштадўзлик алоҳида ўрин тутди. Халқ амалий санъатининг бир бўлими ҳисобланган каштадўзлик намуналари эса миллий тарихимизни ўрганишда муҳим манба бўла олади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлашимиз» [1:15].

Каштадўзлик ҳунарини илмий жиҳатдан ўрганиш, кашта тайёрлаш усуллари, ундаги шакл ва рамزلарни таҳлил этиш муайян тарихий-этнографик ҳудудаҳолиснинг этномаданий хусусиятларини кўрсатиб бериш имконини беради. Тарихий манбалар Ўрта Осиёнинг ўзига хос тарихий-маданий ўлкаси ҳисобланган Фарғона водийсида ҳам каштадўзлик машғулот қадимдан шаклланганини кўрсатади. Фарғонатоғлар орасида жойлашган водий. Унинг худуди шимоли-ғарбдан Қурама ва Чотқол тизмалари, шимоли-шарқдан эса Фарғона, жанубдан Олой ва Туркистон тоғ тизмалари билан ўралган. Водийнинг умумий ер майдони 22,2 км² ни ташкил этади. Бодомсимон шаклдаги водийнинг узунлиги 300 км, энг қенг жойи 170 км га тенг. Фарғона водийси худудида Ўзбекистоннинг учта (Андижон, Наманган ва Фарғона), Тожикистоннинг битта (Сугд),

Қирғизистоннинг учта (Ўш, Жалолобод ва Баткент) маъмурий вилоятлари жойлашган.

Фарғона водийси худудини текислик, тоғолди ва тоғ зоналарига ажратиш мумкин. Унинг иқлимий хусусиятлари ҳам мазкур географик ҳолатдан келиб чиқади, водийнинг ўзига хос ўрни ва табиий шароитининг қулайлиги қадимдан ушбу худудда инсонларнинг истиқоматқилиши, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш ҳамда меҳнатқилиш усулларини ривожлантириш имконини берган.

Айтиш жоизки, «Буюк ипак йўли»нинг шимоли-ғарбий тармоғи айнан Фарғона водийсидан (Қашқар – Тошқўрғон орқали Ўзган - Ўш - Кува - Ахсикент - Поп - Ашт – Хўжанд йўналиши бўйлаб) ўтиши бу ҳудуд аҳолисининг нафақат ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожда, балки этнослараро алоқалар тараққий этишида ҳаммуҳим аҳамият касб этди. Бироқ мавжуд тарихий-этнографик адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Фарғона водийси халқлари томонидан тайёрланган кашталар этнологик жиҳатдан ҳозирги кунга қадар яхши ўрганилмаган. XIX - XX аср бошларидаги халқ амалий санъати намуналаридан бири ҳисобланган кашта буюмларига эътиборсизлик билан баҳо берилди. Бугунги кунга келиб эса халқ миллий ҳунармандчилигига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Кашта ҳамхунармандларнинг ижодий иш маҳсули.

Каштачилик қадимдан Ўзбекистон худудида мавжуд бўлган. Каштачилик маҳсулотларидан кўп асрлар давомида хонадонларни жиҳозлашда, кийимларни, кундалик ҳаётда ишлатиладиган буюмларни безашда фойдаланиб келинган. Қадимдан ипакчилик ривожланган Ўзбекистоннинг турли худудларида сержило ипак иплар билан кашта тикиш халқ орасида кенг тарқалган. Каштачилик тарихи узок даврларни ўз ичига қамраб олади.

Каштачиликнинг ривожланиш тарихи халқларнинг турмуши, уларнинг анъанавий яшаш тарзи, урф-одатлари, ҳўжалик тарзи, жўғрофик жойлашуви билан боғлиқ равишда кечди. Бу ҳол каштадўзлик ҳунарининг ўзига хос хусусиятлари, водий аҳолиси турмуш тарзига хос тавсифли кўриниши, табиий бўёқлар тайёрлаш технологияси, ўзига хос ишлатилиши, нақш орнаментларининг қадимги нусхаларининг тикилиши. *босма, йўрма, кандахаёл, илмоқ, дуря, занжир, ярим занжир, хоч, ярим хоч* чокларининг ишлатилиши асосида Ўзбекистон худудида бир нечта мактаб шаклланишига олиб келди. Улар ўзига хос характердаги Бухоро мактаби, Самарқанд мактаби, Бойсун мактаби, Ғиждувон мактаби, Фарғона мактаби, Тошкент мактаби каби каштачилик мактабларини вужудга келтирди. Бухоро каштачилиги, Самарқанд каштачилиги, Тошкент каштачилиги ва бошқа каштачилик мактабларининг фаолияти этнографлар, санъатшунослар томонидан ўрганилган.

Фарғона водийсида шаклланган «Фарғона мактаби» каштачилиги хусусиятлари, ўзига хос жиҳатлари, афзалликлари ҳақида алоҳида изланиш ва таҳлиллар етарли эмас. Ваҳоланки, Фарғона водийси каштадўзлиги нафақат каштадўзлик мактаблари хусусиятлари, характерлари билан, балки водийда жойлашган марказлар каштачилиги ҳам бир-биридан этник жамоаларнинг водий бўйлабхудудий жойлашуви жиҳатидан ҳамўзига хос хусусиятга эга. Шу боис қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

Биринчидан, каштачилик мактаблари этнографик жиҳатдан тадқиқ қилиниб, ўзбек халқи бой маданиятининг бир бўлаги сифатида алоҳида хусусиятларини очиб берадиган илмий ишлар етарли даражада эмас.

Иккинчидан, йирик каштачилик мактаблари ҳалигача алоҳида мукамал тадқиққилинмаган, узок тарихий ривожланиш даврини босиб ўтган Фарғона каштадўзлиги учун тадқиқотлар мутлақо етарли эмас.

Учинчидан, Фарғона каштадўзлик ҳунарининг энг ривожланган даври XIX асрнинг иккинчи ярми - XX

асрнинг бошлари ҳам тадқиқотчилар томонидан тадқиққилинмаган, унинг водий маданиятида тутган ўрнига баҳо берилмаган [3:113].

Кўп асрлик тараққиёти жараёнида каштадўзлик ҳунари ҳам халқимизнинг бой анъаналарига суянган ҳолда ривожланди. Бу ҳунар турлари уста - шогирд анъаналари асосида буvidан - набирага, онадан - қизга ўргатилиб, асрдан - асрга, авлоддан - авлодга ўтиб келди. Ҳатто XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида келиб, оила аъзолари билан ҳамкорликда уйда, ҳукмдорлар саройларидаги устахоналарда буюртмалар олиб, кашта буюмлари тикиб берилгани маълум. Бундан аввал ҳам ўзбек анъанавий каштачилиги кўплаб этнограф олимларни ҳамда санъатшунос мутахассисларни қизиқтирган. Уларнинг илмий тадқиқот ишларида Урта Осиёга «йўрма машиналари» турли товар фирмалари томонидан кенг тарқатила бошлаганлиги XX асрнинг бошларидан кузатилганлиги таъкидланади [2:2]. Самарқанддаги «Хотин-қизлар меҳнати» артель йўрмадўзчи устаси Усмон Шокиров кашта тикишни 1907 йили Қўқонда истамбуллик бир устадан ўрганган экан [2:3]. Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, XX асрда каштачилик артелларининг вужудга келиши, фабрикаларнинг қурилиши каштачилик ривожланишига ижобий таъсир қилиш билан бирга, салбий таъсирини ҳам ўтказиб, анъанавий каштачиликни инқироз ҳолатига олиб келди.

Шундан сўнг кашта буюмларининг ҳажми, нақшлари, композициясидаги ўзгаришлар ҳамда уларга ишлатилган табиий бўёқли иплар ўрнида кимёвий бўёқли ипак иплар ишлатилиб, кашта буюмларида умумийлик, ўхшашликлар келиб чикди. Бунинг натижасида анъанавий кашта мактаблари ўзининг қадимий усулларини йўқота бошлади. Каштачилик марказлари кашта буюмларини бир-биридан ажратиш қийинлашди

Шундай ҳолда ҳам Фарғона водийси халқлари анъанавий каштадўзлик хусусиятларини акс эттирган буюмларни водийдаги айрим хонадонлардан, республикамызда ва водийда жойлашган музей фондларидан топишимиз мумкин.

Бу эса Фарғона водийси материаллари асосида анъанавий каштадўзликни XIX аср охири - XX аср бошлари даврий доирасида этнологик нуқтаи назардан ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради.

Умуман олганда, Фарғона водийси халқлари анъанавий каштадўзлигининг этнохудудий хусусиятлари мавзуси махсус монографик асар тарзида тадқиқ қилиниши қуйидаги омилларга кўра, долзарб ҳисобланади:

- 1) каштадўзликка оид археологик ва ёзма манбаларни таҳлил этиб, Фарғона водийси аҳолисининг каштадўзлигининг шаклланиш жараёнини ўрганиш;
- 2) XIX-XX асрда водий аҳолисининг этник таркибини ва унинг анъанавий каштадўзликка таъсирини аниқлаш;
- 3) тарихий-этнографик материаллар асосида тадқиқот олиб борилаётган худуд аҳолисининг анъанавий этноҳўжалик хусусиятларини ва деҳқончилик, чорвачилик, халқхунармандчилигининг кашта орнаментларига таъсирини ўрганиш;
- 4) халқ амалий санъатининг узвий бўлаги бўлмиш каштадўзлик соҳасидаги этномаданий алоқалар орқали уларнинг бир-бирини маданий бойитиши, каштадўзликда нақш ва орнаментлардаги белгиларинининг бир-бирига таъсири туфайли уларда умумийликнинг пайдо бўлиши, бу эса каштадўзликдаўзига хос композицияларни, янги нақш орнаментларини вужудга келтириши, кашталардаги орнамент таркибининг ривожланиш масаласини ўрганиш;
- 5) Фарғона водийсида яшовчи ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг мато тайёрлаш усулларини ўрганиш ва улар хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш;
- 6) каштадўзликнинг Фарғона водийсига хос бўлган

маҳаллий (локал) жиҳатларини ўрганиш;

7) каштадўзлик билан боғлиқ урф-одатларни ўрганиш, уни авлоддан-авлодга етказиш;

8) миллий анъаналаримиздан бири бўлган каштачиликнинг қадимий усулларини қидириб топиш, қадимий орнаментларни ўрганиш ва янги орнаментларни бойитиш масалаларини кўрсатиб бериш.

Мазкур мақолада Фарғона водийси халқларининг анъанавий каштадўзлигининг этнохудудий хусусиятлари XIX аср охири - XX аср бошлари мисолида тадқиқ этилди. Ушбу тарихий даврда каштадўзлик ЎртаОсиё, шунингдек, Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида кенг тарқалган. Бу даврда кашта тикиш аҳолиўртасида энг оммалашган амалий санъат турига айланган эди. Кашталар шакли, ҳажми, албатта, безак турларида ҳам қатор ўзгаришлар юз берди.

Бу тарихий давр қуйидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, этник ҳолатлар ва этномаданий жараёнларнинг ривожланишига тўғри келади. XVIII аср бошларида Фарғона сиёсий ҳаётида муҳим воқеа юз берди. Унинг ҳудуди алоҳида бир хонлик сифатида Бухоро амирлигидан ажралиб чиқди. Бу хонликка асос солган шахс ўзбекларнинг «Минг» қабиласидан чиққан Шохруҳбий эди. Кўкон хонлиги Саидумархон даврида бирмунча марказлашган хонликка айланди. Бу ҳол ўлканинг иқтисодий ривожланишига ўз таъсирини ўтказди. Кўкон хонлигида барча ҳунармандчилик ва миллий анъана ҳисобланган каштадўзлик фаолияти ҳам ривожланди.

Мазкур даврни тадқиқот учун даврий чегара қилиб белгилашнинг асосий сабабларидан яна бири бу Фарғона водийсида XIX-XX асрларда миграцион жараёнлар фаоллашиб, кўплаб этник гуруҳлар ўзга юртлардан кўчиб кела бошлади. Айнан шу даврда бир-биридан фарқланиб турувчи этник жамоалар ўртасида этнохўжалик, этномаданий, этнолингвистик ва этногенетик алоқалар ҳарқачонгидан ҳам жадаллашганини этнограф олим У. Абдуллаевнинг тадқиқот ишларида кўришимиз мумкин. Бу давр Фарғона водийси каштадўзлигига ўз таъсирини ўтказди. Натижада, каштадўзлик анъанаси ривожланди.

Қолаверса, ушбу даврда тайёрланган кашта намуналарини ҳозирги кунда ҳам ўлкашунослик музейлари фондидан топиш ва илмий жиҳатдан уларни тадқиқ этиш имконияти мавжуд.

Мақоладаги илмий тадқиқот ишимиз мақсадидан келиб чиқиб, ушбу изланишлар натижасида асосий эътибор қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилди:

- каштадўзлик машғулотининг шаклланишига оид мавжуд тарихий маълумотларни ўрганиш;

- ўтроқ аҳолида кашта тикиш учун ишлатиладиган мато тайёрлашнинг анъанавий усулларини кўрсатиб бериш;

- чорвадор халқлардаги мато тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш;

- Фарғона водийси халқларида анъанавий каштадўзликнинг этник хусусиятларини ҳамда маҳаллий (локал) жиҳатларини кўрсатиб бериш;

- каштадўзлик билан боғлиқ урф-одат ва расм-русумларни илмий таҳлил қилиш;

- халқ анъанавий каштадўзлигидаги трансформацион жараёнларни кўрсатиб бериш;

- қўлга киритилган илмий натижаларга асосланиб анъанавий каштадўзликни сақлабқолиш ва ривожлантиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Ўзбек халқининг қадимий анъаналаридан Фарғона водийсида яшовчи халқлар анъанавий каштадўзлигининг этнохудудий хусусиятлари ва унинг маҳаллий (локал) жиҳатлари, каштадўзлик билан боғлиқ урф-одатлар ҳамда мато тайёрлаш жараёни тадқиқот объекти ҳисобланади. Тадқиқот предмети эса қадимий каштадўзлик ва унинг ривожланиши билан боғлиқ анъаналар, урф-одатлар, анъанавий турмуш тарзи билан боғлиқ маросимлар, каштадўзликнинг ўзбек халқи турмуш тарзида тутган ўрнини тарихий-этнографик материаллар ҳамда илмий адабиётлар асосида тадқиқ қилишдан иборат.

Мақолада назарий-методик асос сифатида тарихий ва этноижтимоий ўрганишда жараёнларни қабул қилинган тарихий изчиллик, киёсий ва комплекс таҳлил методи ҳамда этноижтимоий методлар; кузатув, шахсий сўров, анкеталаш, фотоматериаллар йиғиш каби замонавий методлар қўлланилди.

Мақола бир қатор манбалар асосида ёзилган бўлиб, улар характери ва мавзуни ўрганишдаги аҳамияти жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

- XIX аср охири - XX аср бошларидаги анъанавий кашта намуналари қидириб топилди;

- Фарғона водийси музейларидаги кашта намуналари, уларда акс эттирилган нақш ва гул тасвирлари, уларга доир тарихий-этнографик материаллар, илмий адабиётлар ўрганилди;

Хулоса қилиб айтганимизда, тадқиқотнинг назарий-методология асосларига ҳозирги замон принципларига мос тарихий англаш ва этномаданий жараёнларга ҳолисона ёндашиш, тарихийлик ва тарихий таққослаш, умумий тадқиқот методларидан ҳамда этнографик материалларни тўплашда ахборот, кўриб кузатиш ва таққослаш методларидан фойдаланилди.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Тошкент: 1998.
2. Морозова А. Ўзбекистонда йўрмадўзчилик. -Т.: УДБА. 1960, 10-б. Франция ва Американинг йўрма машиналари «Юрген», «Зингер» ва «Блок» каби чет эл фирмалари тамонидан кенг реклама қилинади: /«Вестник выставки». – Тошкент: 1909. № 1-18.
3. Пугаченкова Г. А. Очерки искусства в Средней Азии. -М.: 1982.
4. Гаврилов М. Ф. Орнамент киргизов сусамера. -Ташкент: 1929.
5. Попова О. С. Русское народное искусство. Произведения из коллекций Музея народного искусства. -М.: «Легкая индустрия», 1972.
6. Писарчик А. К. Народное прикладное искусство таджиков. –Душанбе: 1987.
7. Симанов Н. Е. Искусство Средней Азии. Сборник орнаментов и узоров, снятых с натуры на памятниках архитектуры и предметах гончарных ткацких, ювелирных и пр. в 1879. СПб., 1883.
8. Гюль Э. Жойнамоздаги рамзлар. Санъат, 2001.
9. Турсуналиев К. Тибетейка-один из любимых головных уборов народов Узбекистана. -Т.: «Фан». 1990.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Фарғона водийси халқлари анъанавий каштадўзлигининг этнохудудий хусусиятлари ва омилар минтака кетма-кет ва изчил ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье последовательно освещаются этнографические особенности и факторы традиционной вышивки народов Ферганской долины.

SUMMARY

The article consistently and sequentially highlights the ethnographic features and factors of traditional embroidery of the peoples of the Ferghana Valley.